

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**41-сон**  
**(1061)**  
**2022 йил**  
**октябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

381. «Электрон рақамли имзо тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 октябрдаги ўРҚ–793-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

382. «Кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 октябрдаги ПҚ–388-сон қарори

383. «Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги ПҚ–390-сон қарори

384. «Саноат ишлаб чиқаришида хом ашё узлуксизлигини таъминлаш бўйича қўшимча қулайликларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги ПҚ–392-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

385. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 29 августдаги 8/02-22-29-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-3*)
386. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 7 октябрдаги 30-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 4 октябрдаги 44ққ-сон, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 28 сентябрдаги 22-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрдаги 51-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил 7 октябрдаги 19-сон, Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 30 сентябрдаги 13/02-22-33-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 4 октябрдаги 234-мх-сон «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024-2*)
387. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 16 сентябрдаги 20/2-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2209-3*)
388. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 25 августдаги 326-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-6*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 381 Электрон рақамли имзо тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
26 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 13 сентябрда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчилик

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**электрон рақамли имзо** — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгаришлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо;

**электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити** — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

**электрон рақамли имзо калитининг сертификати** — электрон рақамли имзонинг очиқ калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мувофиқлигини тасдиқлайдиган электрон ҳужжат;

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 октябрда эълон қилинган.

**электрон рақамли имзо калитининг эгаси** — ўзига электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилган жисмоний ёки юридик шахс;

**электрон рақамли имзонинг очик калити** — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мувофиқ бўлган, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси учун очик бўлган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

**электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш** — электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо калитининг эгасига тегишлилигини ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини текширишнинг ижобий натижаси;

**электрон ҳужжат** — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

#### **4-модда. Электрон рақамли имзонинг ва қўлда шахсан қўйилган имзонинг бир хил аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш шартлари**

Бир вақтнинг ўзида қўйдаги шартларга риоя этилган тақдирда, электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо қоғоз ҳужжатга қўлда шахсан қўйилган имзо билан бир хил аҳамиятга эга бўлади, агар:

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш пайтида ёхуд имзолаш пайтини белгиловчи далиллар мавжуд бўлганда электрон ҳужжатни имзолаш пайтида амалда бўлса;

электрон рақамли имзодан электрон рақамли имзо калитининг сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилаётган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга бир вақтнинг ўзида риоя этилган тақдирда, юридик шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади.

#### **5-модда. Электрон рақамли имзо воситалари ва улардан фойдаланиш**

Электрон рақамли имзо воситалари электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини, электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очик калитлари яратилишини таъминлайдиган техник ва дастурий воситалар мажмуидан иборатдир.

Электрон рақамли имзо воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ўртасидаги идоралараро электрон ҳамкорлик миллий стандартлар асосида ишлаб чиқилган электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш чоғида миллий ва халқаро (минтақавий) стандартлар асосида ишлаб чиқилган электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг «булутли технологияларида» (ишончли сақлаш тизимида) электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш камида икки омилли аутентификация қилиш тартиб-таомилидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатлар учун электрон рақамли имзо калитига нисбатан қўшимча талаблар қўйилиши мумкин.

## **2-боб. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

### **6-модда. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

электрон рақамли имзодан фойдаланиш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техник ва бошқа шарт-шароитлар яратиш;

электрон рақамли имзонинг мавжуд бўлиши талаб қилинадиган электрон хизматлар барча турларининг очиқлигини ва сифатини таъминлаш;

мажбурий техник талаблар, нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги илмий-техник тадқиқотларни рағбатлантириш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

илғор инновацион, ахборот ва коммуникация технологияларининг жорий этилишига қўмаклашиш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлим-

лари орқали электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини бериш тартибини белгилайди;

Ишончли учинчи тараф хизматининг фаолияти тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини аккредитация қилишни ва қайта аккредитация қилишни амалга оширади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларига электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини беради, шунингдек Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолиятини назорат қилади ва камчиликлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига кўра рўйхатга олиш марказларига тегишли бўлган электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни амалга оширади;

Ишончли учинчи тараф хизматининг фаолиятини ташкил этади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**3-боб. Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолияти**

**9-модда. Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш маркази**

Қонунчиликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган, электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган юридик шахс электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказидир (бундан буён матнда рўйхатга олиш маркази деб юритилади).

Рўйхатга олиш маркази ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади.

Рўйхатга олиш марказлари томонидан берилган электрон рақамли имзо калитига эга бўлган шахслар электрон рақамли имзонинг мавжуд бўлиши талаб қилинадиган давлат хизматларининг барча турларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

### **10-модда. Рўйхатга олиш марказининг фаолиятига қўйиладиган асосий талаблар**

Рўйхатга олиш маркази:

электрон рақамли имзони яратиш ва текшириш учун ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертификатлаштирилган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий таъминотга;

электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш учун ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертификатлаштирилган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий таъминотга;

тарқатилиши чекланган ахборотнинг сақланишини таъминлайдиган шарт-шароитларга;

ахборот хавфсизлиги, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган зарур хоналарга эга бўлиши керак.

Рўйхатга олиш марказларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот тизимларидаги ҳамда ресурсларидаги маълумотлар қонунга хилоф равишда тарқатилишининг, ўғирланишининг, йўқолишининг, яхлитлиги бузилишининг, блокланишининг ҳамда қалбакилаштирилишининг олдини олиш мақсадида рухсатсиз фойдаланишдан (киришдан) ҳимоя қилинган бўлиши керак.

Рўйхатга олиш марказини устав фондида (устав капиталда) чет давлат резидентининг улуши ўттиз ва ундан ортиқ фоиз бўлган юридик шахслар томонидан ташкил этишга йўл қўйилмайди.

### **11-модда. Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш**

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

аккредитация қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни ҳамда аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишни;

аккредитация қилинганлик тўғрисида гувоҳнома беришни;

электрон рақамли имзо калитининг сертификатини беришни.

Аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон ҳужжат тарзида яратилади.

### **12-модда. Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза**

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли давлат органига берилади.

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилади:

муассис тўғрисидаги маълумотлар;

рўйхатга олиш марказининг номи, жойлашган ери (почта манзили), мақсади ва вазифалари.

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

рўйхатга олиш маркази муассисининг устави (низоми);

аризачи-ташкилотнинг раҳбари тўғрисидаги маълумотлар;

ваколатли давлат органи билан ҳамкорлик қилиш учун танланган шахсга нисбатан ишонч хати;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити (мавжуд бўлганда) ва унинг қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар.

Ваколатли давлат органи рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатларни ва маълумотларни ахборот ҳамкорлиги тизими воситасида мустақил равишда олади.

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги аризани бериш чоғида тақдим этилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, аризачи бу ҳақда ваколатли давлат органини Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали уч иш куни ичида хабардор қилиши керак.

**13-модда. Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш**

Ваколатли давлат органи рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда аризани кўриб чиқади ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги учун ҳақ ундирилмайди.

**14-модда. Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бериш**

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳнома рўйхатга олиш марказига Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда, электрон тарзда ваколатли давлат органи томонидан берилади. Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ваколатли давлат органининг ахборот ресурсида сақланади.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рўйхатга олиш марказининг аризасига асосан, амал қилиши беш йилгача бўлган муддатга берилади.



Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган тақдирда (йўқотилганда, йўқ қилинганда ва бошқа ҳолларда), уни тиклаш рўйхатга олиш марказининг аризасига асосан ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

**15-модда. Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилишни рад этиш**

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган талаблар аризачи томонидан бажарилмаганда;

агар илгари худди шундай ёки шунга ўхшаш номдаги бошқа рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинган бўлса.

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш рад этилган тақдирда, қарор қабул қилинганидан кейин уч иш куни ичида аризачи бу ҳақда ёзма шаклда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда хабардор қилинади.

Ёзма ёки электрон хабарномада рўйхатга олиш марказини аккредитация қилишни рад этиш сабаблари, шунингдек аризачи рад этиш сабаблари бартараф этилганидан кейин ваколатли давлат органига такроран муружаат қилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

Аризачи ваколатли давлат органининг рўйхатга олиш марказини аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

**16-модда. Рўйхатга олиш марказини қайта аккредитация қилиш**

Рўйхатга олиш марказини қайта аккредитация қилиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

рўйхатга олиш марказининг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганда;

рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда.

Рўйхатга олиш марказини қайта аккредитация қилиш рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш қандай тартибда ўтказилган бўлса, худди шундай тартибда амалга оширилади.

Қайта аккредитация қилиш учун рўйхатга олиш маркази қайта аккредитация қилиш ҳақидаги аризани аккредитация қилиш маркази рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар камида бир ой олдин юборади.

**17-модда. Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

рўйхатга олиш маркази томонидан қонунчилик, шунингдек ахборот хавфсизлиги стандартлари, нормалари ва қоидаларининг талаблари бузилганлиги аниқланганда;

рўйхатга олиш маркази томонидан ваколатли давлат органининг аниқланган бузилишларни бартараф этиш бўйича мажбуриятни унинг зиммасига юкловчи талаби бажарилмаганда.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини ўн кунгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш ваколатли давлат органи томонидан, ўн кундан кўп муддатга, бироқ кўпи билан олти ой муддатга тўхтатиб туриш эса суд томонидан амалга оширилади.

Ваколатли давлат органининг рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай рўйхатга олиш марказига гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда етказилади.

Суднинг рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори рўйхатга олиш марказига қонунчиликда белгиланган муддатларда етказилади.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар рўйхатга олиш маркази томонидан бартараф этилган тақдирда, гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилган ваколатли давлат органи ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида гувоҳноманинг амал қилишини қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш даврида рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши ҳам тўхтатиб турилади.

Ваколатли давлат органининг ёки суднинг рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

### **18-модда. Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш**

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда ваколатли давлат органининг қарорига кўра тугатилиши мумкин:

рўйхатга олиш маркази рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинган-

лиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги ариза билан мурожаат этганда;

рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда суд томонидан тугатилади:

рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатлар рўйхатга олиш маркази томонидан ваколатли давлат органи ёки суд белгилаган муддатда бартараф этилмаганда;

ваколатли давлат органининг рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақидаги қарори қонунга ҳилоф эканлиги аниқланганда;

рўйхатга олиш маркази томонидан қонунчилик, шунингдек ахборот хавфсизлиги стандартлари, нормалари ҳамда қоидаларининг талаблари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар етказилишига олиб келган бўлса;

рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома қалбаки ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ваколатли давлат органи гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш асосларини рўйхатга олиш марказига қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда етказди.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилган тақдирда, рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг ҳам амал қилиши тугатилади.

Ваколатли давлат органининг ёки суднинг рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

### **19-модда. Рўйхатга олиш марказларининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг ягона давлат реестри**

Ваколатли давлат органи Рўйхатга олиш марказларининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини (бундан буён матнда Ягона давлат реестри деб юритилади) юритади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ундан эркин фойдаланишини таъминлайди.

Ягона давлат реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

рўйхатга олиш маркази тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатга олиш марказининг номи, жойлашган ери (почта манзили), телефон (факс) рақами, электрон почта манзили, рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг берилган санаси, серия рақами ва амал қилиш муддати, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳамда қайта тиклаш асослари ва саналари);

рўйхатга олиш марказининг раҳбари ҳақидаги маълумотлар;

рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тугатиш асослари ва саналари.

Рўйхатга олиш марказларининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг амал қилиши тугатилган тақдирда, улар Ягона давлат реестридан чиқарилади.

Рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо калити сертификати Ягона давлат реестридан чиқарилган пайдан эътиборан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Фойдаланилаётган электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига ишонч йўқолган тақдирда, рўйхатга олиш маркази ваколатли давлат органини бу ҳақда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади. Ваколатли давлат органи ёзма ёки электрон хабарнома олинганидан кейин сертификатнинг амал қилишини дарҳол тўхтатиб туради ва мазкур рўйхатга олиш марказининг сертификатини амал қилиши тугатилган сертификатлар рўйхатига жойлаштиради.

## **20-модда. Рўйхатга олиш марказларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Рўйхатга олиш маркази қуйидаги ҳуқуқларга эга:

электрон рақамли имзонинг очиқ ва ёпиқ калитларини яратиш, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш ҳамда бериш;

ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган ҳолларда, электрон рақамли имзо калитлари сертификатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш ва тугатиш;

электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ калитларини «булутли технологияларда» лозим даражада сақлашга доир ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вақт штампини (имзоланган электрон ҳужжатнинг кўрсатилган вақтда мавжудлигини тасдиқловчи реквизитни) қўйиш бўйича хизмат кўрсатиш;

электрон рақамли имзоларнинг калитларини бериш тўғрисида аризалар қабул қилиш, рўйхатга олиш маркази номидан электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ калитларини ва электрон рақамли имзолар калитларининг тегишли сертификатларини бериш учун ҳудудий бўлинмаларга эга бўлиш;

электрон рақамли имзоларнинг калитларини бериш, рўйхатга олиш маркази номидан электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ калитларини ҳамда электрон рақамли имзолар калитларининг тегишли сертификатларини бериш

тўғрисидаги аризаларни қабул қилишга оид ваколатларини шартнома асосида бошқа юридик шахсларга топшириш.

Рўйхатга олиш маркази:

электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ калитларини яратиш ва бериш жараёни хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шарт-шароитларнинг ҳар қандай ўзгаришлари тўғрисида ваколатли давлат органини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиши;

рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзосининг ёпиқ калитидан фақат ўзи берган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини имзолаш учун фойдаланиши;

рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзосининг ёпиқ калитини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриши, агар ушбу калит бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки фойдаланиш режими бузилганлиги маълум бўлиб қолса, бу ҳақда ваколатли давлат органини дарҳол хабардор қилиши;

электрон рақамли имзо калитларининг эгалари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилмаслиги, бундан электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларида кўрсатилган ахборот мустасно;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон рақамли имзолари калитлари сертификатларининг реестрини (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) юритиши, унинг ўз вақтида янгиланишини ҳамда электрон рақамли имзолар калитларининг амалдаги, амал қилиши тўхтатиб турилган ва тугатилган сертификатлари тўғрисидаги маълумотлардан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг эркин фойдаланиши имкониятини таъминлаши;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари серия рақамларининг ва электрон рақамли имзолар очиқ калитларининг ноёблигини таъминлаши;

жисмоний ва юридик шахсларга рўйхатга олиш марказининг оммавий офертаси билан танишиш имкониятини бериши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига кўра электрон ҳужжатлардаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни амалга ошириши шарт.

Рўйхатга олиш маркази қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **21-модда. Рўйхатга олиш марказини тугатиш**

Рўйхатга олиш маркази қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилиши мумкин.

Рўйхатга олиш маркази тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан эътиборан бир ой ичида бу ҳақда ваколатли давлат органига, шунингдек сертификатлари ушбу рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзолар калитларининг барча эгаларига хабар қилиши шарт.

Рўйхатга олиш маркази тугатилган тақдирда, ушбу рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари электрон рақамли имзолар калитлари эгаларининг розилиги билан бошқа рўйхатга олиш марказларига топширилиши мумкин.

Бошқа рўйхатга олиш марказларига топширилмаган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари ваколатли давлат органига сақлаш учун топширилиб, бу ҳақда мазкур электрон рақамли имзолар калитларининг эгалари ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади. Бунда электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилади.

#### **4-боб. Электрон рақамли имзо калитларининг сертификатлари**

##### **22-модда. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш тартиби**

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати жисмоний ёки юридик шахснинг электрон рақамли имзонинг калитини бериш ёки электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризасига асосан берилади.

Электрон рақамли имзонинг калитини бериш ёки электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак. Электрон рақамли имзо калитининг сертификати рўйхатга олиш маркази томонидан аризачининг шахси тасдиқланганидан кейин берилади.

Рўйхатга олиш марказлари томонидан электрон рақамли имзо калитини бериш ва электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини рўйхатга олиш учун:

жисмоний шахслардан — шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини ҳамда электрон рақамли имзонинг калитидан фойдаланиш мақсади ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

юридик шахслардан — солиқ тўловчи юридик шахснинг идентификация рақами тўғрисидаги маълумотларни, юридик шахснинг электрон рақамли имзоси калитининг сертификатини олувчи ходим кўрсатилган ишончнома-ни, ишончномада кўрсатилган ходимнинг шахсини ҳамда электрон рақамли имзонинг калитидан фойдаланиш мақсадларини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинади.

Тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатлар учун электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитини бериш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш учун қўшимча ахборот талаб қилиниши мумкин.

Рўйхатга олиш марказининг жисмоний ва юридик шахслардан электрон рақамли имзо калитларининг сертификатларини бериш мақсадларига мувофиқ бўлмаган маълумотларни сўраб олиши тақиқланади.

Ариза берилгунига қадар аризачи электрон рақамли имзонинг очиқ ва ёпиқ калитларини мустақил равишда яратиши ҳамда рўйхатга олиш марказига очиқ калитни электрон рақамли имзо калитининг сертификатини олиш учун тақдим этиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар бир нечта электрон рақамли имзо калитларига эга бўлиши мумкин. Ҳар бир электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш белгиланган тартибда алоҳида амалга оширилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати электрон рақамли имзо калитининг сертификати рўйхатга олинган пайтдан эътиборан йигирма тўрт ойдан ошмаслиги керак. Бунда электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати икки мартадан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ва Реестрга киритилади.

### **23-модда. Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари орқали электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш**

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги фуқаролари, шунингдек чет эл жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар электрон рақамли имзо калитининг сертификатини Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари орқали олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари томонидан электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **24-модда. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатидан кўрсатиладиган маълумотлар**

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатидан қуйидагилар кўрсатилиши керак:

электрон рақамли имзо калитининг эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва шахсий идентификация рақами;

электрон рақамли имзо калитининг эгаси бўлган солиқ тўловчи юридик шахснинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва идентификация рақами;

электрон рақамли имзо калити сертификатининг серия рақами ва унинг амал қилиш муддати;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити;

электрон рақамли имзонинг очиқ калитидан қайси электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлса, худди шундай воситаларнинг номи;

мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

электрон рақамли имзо калитидан фойдаланиш мақсади тўғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзо калитининг мазкур сертификати киритилган Реестрнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги тўлиқ манзили.

Электрон рақамли имзо калити эгасининг ташаббусига кўра электрон рақамли имзо калитининг сертификатиغا қонунчиликка мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

**25-модда. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш ва тугатиш**

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш ва тугатиш электрон рақамли имзо калити эгасининг аризаси асосида амалга оширилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш ёки тугатиш тўғрисидаги ариза унинг эгаси томонидан муддати кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда берилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилганда, тикланганда ва тугатилганда рўйхатга олиш маркази Реестрга тегишли ёзувни киритади ҳамда бу ҳақда электрон рақамли имзо калитининг эгасини уч иш кун ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши рўйхатга олиш маркази томонидан қуйидаги ҳолларда ҳам электрон рақамли имзо калити эгасининг розилигидан қатъи назар, тугатилади:

мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

электрон рақамли имзо калитининг эгаси ушбу Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлиги фактлари аниқланганда; электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати тугаганда ва уни тиклаш учун электрон рақамли имзо калити эгасининг аризаси мавжуд бўлмаганда.

**26-модда. Электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби**

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби ҳамда муддати рўйхатга олиш маркази ва электрон рақамли имзо калитининг эгаси ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини сақлаш муддати тугагач, у Реестрдан чиқарилади ва амал қилиши тугатилган сертификатлар архивига ўтказилади.

**5-боб. Электрон рақамли имзолар калитлари эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Ишончли учинчи тараф хизмати**

**27-модда. Электрон рақамли имзолар калитлари эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга: электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш, рўйхатга



олиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш ва тугатиш тўғрисидаги ариза билан рўйхатга олиш марказига мурожаат этиш;

электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида сўров юбориш.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидан назарда тутилган ҳолларда, электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги сўровни рўйхатга олиш марказига мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар камида икки ҳафта олдин юбориш керак.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт.

Агар электрон рақамли имзо калитининг эгаси юридик шахс бўлса, ушбу юридик шахснинг раҳбари электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиши учун масъул бўлади.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси бўлган юридик шахснинг раҳбари ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган мажбуриятлардан ташқари:

юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда бу ҳақда рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси тугатилганда электрон рақамли имзонинг калитини белгиланган тартибда топшириши шарт.

Юридик шахснинг янги тайинланган раҳбари юридик шахсга тегишли бўлган электрон рақамли имзонинг калитини белгиланган тартибда («булутли технологиялардан» фойдаланилганда аутентификация қилиш омилларини алмаштириш мажбурияти билан) қабул қилиб олади.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси қонунчиликка ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **28-модда. Ишончли учинчи тараф хизмати**

Ишончли учинчи тараф хизмати ахборот ва электрон ҳужжатларни алмашиш чоғида ишончли таъминлаш мақсадида электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг унга имзо қўйган шахсга тегишлилигини текширишга доир фаолиятдир.

Ишончли учинчи тараф хизматининг вазифаларини амалга оширадиган шахс ваколатли давлат органи томонидан тайинланади ҳамда идоралараро ва трансчегаравий ахборот ҳамкорлиги жараёнида электрон ҳужжатларнинг

дахлсизлиги ҳамда ишончилигини сақлаш кафолатларини вақтнинг муайян пайтида таъминлаш бўйича ахборот воситачиси сифатида иш юритади, шунингдек уларнинг юридик кучга эга эканлигини тасдиқлайди.

Чет давлатларнинг электрон рақамли имзо калитларининг сертификатлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда ёки Ишончли учинчи тараф хизмати томонидан ҳақиқийликни тасдиқлаш йўли билан тан олинади.

Ишончли учинчи тараф хизмати фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 6-боб. Яқунловчи қоидалар

### 29-модда. Низоларни ҳал этиш

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

### 30-модда. Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 31-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Электрон рақамли имзо тўғрисида**»ги 562–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 12-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Электрон рақамли имзо тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 563–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 13-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **29-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–476-сонли Қонуни-

нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **46-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ўРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **156-моддаси**.

**32-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**33-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 12 октябрь,  
ўРҚ–793-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****382 Кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини тасдиқлаш тўғрисида\***

Маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали янги турдаги кимё ва газ-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, соҳага маҳаллий ва хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармонига мувофиқ:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖнинг:

кимёвий технологик илмий-ишлаб чиқариш кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш учун «Навоий кимё технопарки», «Фарғона кимё технопарки» ва «Қорақалпоғистон кимё технопарки» технологик кластерларини (кейинги ўринларда — технологик кластерлар) ташкил этиш;

ҳар бир технологик кластерни бошқариш дирекцияларини «Ўзкимёсаноат» АЖ таъсисчилигида масъулияти чекланган жамиятлар шаклида (кейинги ўринларда — дирекциялар) ташкил этиш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибида Кимё ва газ-кимё технологик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш лойиҳа офисини (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар:

Технологик кластерлар таркибига кирувчи ҳудудлар чегаралари 1-иловага мувофиқ;

«Навоий кимё технопарки» технологик кластерини кенгайтириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиладиган ер участкалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзкимёсаноат» АЖ Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда технологик кластерлар ва дирекциялар фаолиятини самарали ташкил этиш учун ушбу соҳада илғор тажрибага эга чет эл компаниялари ёки консултантларини жалб қилсин.

4. Белгилансинки:

а) технологик кластерлар ҳудудида:

технологик кластерлар фаолиятини мувофиқлаштириш уларнинг ҳудудини кенгайтириш, инвестиция лойиҳаларини саралаб олиш ва жойлашти-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 октябрда эълон қилинган.

риш ҳамда технологик кластерларга «иштирокчи» мақомини бериш юзасидан Лойиҳа офисининг хулосасини инобатга олган ҳолда «Ўзкимёсаноат» АЖ таклифларига асосан 3-иловада\* келтирилган таркибдаги Технологик кластерлар маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда — Маъмурий кенгаш) томонидан қарорлар қабул қилиш орқали амалга оширилади;

танлов асосида бино ва иншоотларни ҳамда улар жойлашган (уларга туташ) ер участкаларини ижарага бериш, сотиш, лизингга бериш ёки қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш шартида сотиш Маъмурий кенгаш қарорига мувофиқ дирекциялар томонидан амалга оширилади;

инвестиция лойиҳалари хусусий, шу жумладан маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади;

қонунчиликка мувофиқ махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари ва уларнинг дирекциялари учун назарда тутилган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар технологик кластерлар иштирокчилари ва дирекцияларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

дирекциялар ўз фаолиятини мустақил юритади ва Лойиҳа офисига ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот киритиб боради;

б) мазкур қарорга 2-иловада белгиланган «Навоий кимё технопарки» технологик кластери таркибига кирувчи ҳудудлар чегараларида ер участкалари инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун «Ўзкимёсаноат» АЖ таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган тартибда ажратилади, ушбу ер участкаларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди;

в) мазкур қарорга 2-иловага асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ер фонди тоифаси ўзгартирилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

5. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра дирекциялар «ягона дарча» тамойили асосида технологик кластерлар ҳудудида кластерлар иштирокчилари ва салоҳиятли инвесторларга қўйидаги хизматларни кўрсатади:

ишлаб чиқариш ва техник бинолар ҳамда иншоотларни танлаш, сотиш, лизинг ва ижарага бериш, шунингдек, ишчи ва ходимларни танлаш ва ма-лакасини ошириш, маҳсулотни сотиш учун мақбул бозорларни ва ташиш усулларини аниқлаш;

технологик кластерлар ҳудудидаги бинолар, иншоотлар ва ободонлаштириш объектларини сақлаш ва эксплуатация қилиш, шунингдек, уларни қўриқлаш хизматини жалб қилишга қўмаклашиш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий бошқарув органлари, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари билан қонунчилик доирасида талаб этиладиган рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштиришга, улар билан келишиш тартиб-таомилларини бажаришга қўмаклашиш.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ин-

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан тайёрланган ва қуйидагиларни ўз ичига олган Кимё ва газ-кимё саноатини ривожлантиришга қаратилган кимё технологик кластерларини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) маъқуллансин:

4-иловага\* мувофиқ технологик кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш, кимё саноатида трансформация жараёнларини давом эттириш бўйича «йўл харитаси»;

5-иловага\* мувофиқ инновацион кимёвий технологик кластерларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати.

7. Технологик кластерлар ҳудудида жойлаштириладиган инвестиция лойиҳалари иштирокчилари ҳамда улар томонидан жалб қилинадиган пудрат ташкилотларига инвестиция лойиҳалари доирасида:

миллий қурилиш нормалари, қоидалари ва стандартларини қўллагандан, лойиҳа ҳужжатларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мослаштириш ва экспертизадан ўтказиш заруратисиз (саноат хавфсизлиги, экология ва атроф муҳитни ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги норматив ва техник ҳужжатлар бундан мустасно), халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ барча лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқишга, қурилиш ва эксплуатация босқичларини лойиҳалаштиришга, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга, объектларни эксплуатация қилишга, технологик ускуналар ва саноат объектларини қуриш бўйича ёнғин хавфсизлигини таъминлашга;

амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида қурилиш майдонлари ҳудудларида «божхона омбори» божхона режимини қўллаган ҳолда товарларни вақтинчалик сақлаш омборхоналарини ташкил этишга рухсат берилади.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖнинг мазкур қарорга 5-иловадаги инвестиция лойиҳалари бўйича:

кимё соҳасида қўлланиладиган технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаблигини инобатга олган ҳолда, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарга лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, барча турдаги консалтинг, инжиниринг, экспертизадан ўтказиш ва лойиҳа доирасидаги ишларни назорат қилиш ва қузатиб бориш хизматларини кўрсатиш юзасидан, истисно тариқасида, етакчи халқаро компаниялар ва «Ўзкимёсаноатлоийиҳа» АЖ билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат бериш;

лоийиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда етакчи халқаро инжиниринг ва консалтинг компанияларини жалб қилиш харажатларини Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Кимё саноати жамғармаси) маблағлари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг:

\* 4-5-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Навоий кимё технопарки» ва «Фарғона кимё технопарки» технологик кластерларини ташкил этиш учун «Ўзкимёсаноат» АЖ устав фондидаги давлат улушини ошириш ҳисобига «Навоийазот» АЖ ва «Фарғонаазот» АЖга тегишли бўлган бино-иншоотларни ва улар жойлашган (уларга туташ) ер участкаларини 6-иловага\* мувофиқ қолдиқ (баланс) қийматида ушбу акциядорлик жамиятларининг устав капиталидаги «Ўзкимёсаноат» АЖнинг улушини камайтириш ҳисобига унга ўтказиб бериш;

«Ўзкимёсаноат» АЖга ўтказиб берилган бино-иншоотлар ва улар жойлашган (уларга туташ) ер участкаларини технологик кластерларни бошқариш учун ташкил этиладиган дирекцияларнинг устав фондидаги «Ўзкимёсаноат» АЖнинг улуши сифатида шакллантириш;

дирекциялар фаолиятини (кейинчалик ўзини ўзи молиялаштириш шарти билан) юритиш ва уларнинг сақлаш харажатларини 2026 йил 1 январга қадар «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг тизимидаги корхоналар соф фойдасининг бир қисми ҳамда Кимё саноати жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарор билан ўтказилаётган мулк, мулккий ҳуқуқлар, жумладан устав капиталидаги акциялар ва улушлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

10. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖ:

2023 йил 1 апрелга қадар Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда «Навоийазот» АЖда техник комплекс ўрганиш (due diligence) ишларини ҳамда 2023 йил 1 августга қадар бирламчи бозор ҳолатини ўрганишни (market sounding) яқунласин;

2023 йил 1 сентябрга қадар «Навоийазот» АЖда ўтказилган техник комплекс ўрганиш ва бирламчи бозор ҳолатини ўрганиш натижалари асосида ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилма объектларининг ишлаб чиқариш жараёнлари доирасида ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда жамиятни ривожлантириш стратегиясини ҳамда уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2023 йил 1 октябрга қадар жалб қилинган халқаро консалтинг компаниялари билан 7-иловада\* келтирилган корхоналарнинг фаолияти самарадорлигини оширишга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида «Ўзкимёсаноат» АЖга ва давлатга тегишли акциялар пакетини (улушларни) хусусий инвесторларга сотиш юзасидан танловларни яқунласин ва ғолиблар билан тегишли битимлар имзоланишини таъминласин.

Бунда, мазкур қарорга 6-илованинг 1-бўлими:

«а» кичик бандида назарда тутилган «Навоийазот» АЖга тегишли бўлган бино-иншоотлар ва улар жойлашган (уларга туташ) ер участкалари «Навоийазот» АЖда ўтказиладиган техник комплекс ўрганиш натижасида тайёрланадиган хулосага мувофиқ келгусида ишлаб чиқариш учун зарур бўли-

\* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ши мумкин деб топилган тақдирда, уларнинг Маъмурий кенгаш хулосасига асосан, инвестиция лойиҳалари жойлаштирилмаган ва амалга оширилиши бошланмаган қисмида қонунчиликда белгиланган тартибда «Навоийазот» АЖга қайтарилиши;

«б» кичик бандида назарда тутилган «Навоийазот» АЖга тегишли бўлган бино-иншоотлар ва улар жойлашган (уларга туташ) ер участкалари «Навоийазот» АЖда ўтказиладиган техник комплекс ўрганиш натижасида тайёрланадиган хулосага мувофиқ келгусида ишлаб чиқариш учун зарур эмас деб топилган тақдирда, 2023 йил 1 июлга қадар қонунчиликда белгиланган тартибда «Ўзкимёсаноат» АЖга ўтказиб берилиши белгилаб қўйилсин.

11. Белгилансинки, «Фарғонаазот» АЖ устав капитали (фонди)даги давлат улуши ва «Ўзкимёсаноат» АЖ улуши бўйича акциялар пакети ни сотишдан тушган маблағлар, ушбу активларни сотиш билан боғлиқ Давлат активларини бошқариш агентлигининг харажатларини чегирган ҳолда, тенг улушларда Давлат бюджетига ва Кимё саноати жамғармасига йўналтирилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Навоий вилояти ҳокимлиги 2023 йил 30 июнга қадар ушбу қарор билан тоифаси ўзгартириладиган сувориладиган ер участкалари майдонига тенг миқдорда янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ технологик кластерларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини барпо этиш ишлари 2023 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда Махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш дастури доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

14. Технологик кластерлар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига «Ўзкимёсаноат» АЖ ва дирекцияларнинг талабномасига асосан белгиланган тартибда Ташқи ишлар вазирлиги кириш визалари берилишини (муддати узайтирилишини), Ички ишлар вазирлиги эса кўп марталик визалар расмийлаштирилишини, берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхатга олинишини ва муддати узайтирилишини таъминласин.

15. Қўйидагилар:

Бош вазир ўринбосари Ж.Т. Мирзамаҳмудов — 2035 йилгача кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини амалга ошириш, кимё саноати корхоналарининг барқарор ишлашини таъминлаш, технологик кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш доирасида мутасадди вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу қарорда белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича тезкор чоралар кўришга;



иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норкулов — кимё саноати корхоналарини хом ашё ва энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш, минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмоли сиёсатини ишлаб чиқишга ҳамда бу борадаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга;

молия вазирининг биринчи ўринбосари О.З. Насритдинходжаев — кимё саноати корхоналарини трансформация қилиш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш, операцион самарадорлик ва замонавий корпоратив бошқарув тизимини татбиқ этиш, уларни молиявий соғломлаштиришга;

инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Л.Ш. Кудратов — кимё саноатида амалга ошириладиган янги инвестиция лойиҳалари рўйхатини шакллантириш, уларни технологик кластерлар доирасида амалга ошириш бўйича салоҳиятли инвесторлар ва тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этишга;

Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов — «Ўзкимёсаноат» АЖ тизимидаги корхоналардаги давлат улушини босқичма-босқич хусусийлаштиришни ташкил этишга;

«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси — кимё ва газ-кимё саноатини ривожлантириш, кимё кластерлари фаолиятини самарали ташкил этиш, тармоқ корхоналарининг иқтисодий ва молиявий самарадорлигини оширишга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.Т. Мирзамахмудов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 10 октябрь,  
ПҚ–388-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 10 октябрдаги  
ПҚ–388-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## Технологик кластерлар таркибига кирувчи ҳудудлар ЧЕГАРАЛАРИ

### І. «Навоий кимё технопарки» технологик кластери чегараларининг ТАВСИФИ

#### 1-ҳудуд:

А) 1-бошланғич нуқта (40.10509°, 65.34791°) Навоий вилоятининг Навоий шаҳридан ўтувчи Назоратчилар кўчасидан 20 метр ва Амир Темур кесишмасидан 900 метр масофада жойлашган;

1-нуқтадан чегара Назоратчилар кўчасига перпендикуляр йўналишда «L-17X» — «L-17 «Навоийазот» ВЛ-220 электр узатиш тармоғига параллель равишда жануби-ғарбий йўналишда 1840 метр масофада 2-нуқтагача (40.09914°, 65.32774°) давом этади;

2-нуқтадан чегара «L-17X» — «L-17 «Навоийазот» АЖ ВЛ-220 электр узатиш тармоғига перпендикуляр равишда шимолий йўналишда 315 метр масофада 3-нуқтагача (40.10176°, 65.32637°) давом этади;

3-нуқтадан чегара очик майдон бўйлаб шимолий йўналишда 1995 метр масофада 4-нуқтагача (40.11955°, 65.32270°) давом этади;

4-нуқтадан чегара Навоий оқова сув тозалаш станциясига параллель йўналишда Назоратчилар кўчасига перпендикуляр равишда шарқий йўналишда 1519 метр масофада 5-нуқтагача (40.11992°, 65.34054°) давом этади;

5-нуқтадан чегара Назоратчилар кўчасига параллель равишда жануби-шарқий йўналишда 1850 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

Б) 1-бошланғич нуқта (40.11125°, 65.320939°) Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган «Uz Cor Silicon» ҚК МЧЖ шимоли-шарқий чегарасида жойлашган;

1-нуқтадан чегара «Uz Cor Silicon» ҚК МЧЖ чегарасига параллель равишда ғарбий йўналишда 205 метр масофада 2-нуқтагача (40.11096°, 65.31856°) давом этади;

2-нуқтадан чегара «Uz Cor Silicon» ҚК МЧЖ чегарасига параллель равишда жанубий йўналишда 350 метр масофада 3-нуқтагача (40.10783°, 65.31908°) давом этади;

3-нуқтадан чегара «Навоийазот» АЖнинг чиқиндиларни сақлаш хўжалиги чегараси бўйлаб жанубий-ғарбий йўналишда 370 метр масофада 4-нуқтагача (40.10621°, 65.31530°) давом этади;

4-нуқтадан чегара «Навоийазот» АЖнинг чиқиндиларни сақлаш хўжалиги чегараси бўйлаб жанубий йўналишда 280 метр масофада 5-нуқтагача (40.10379°, 65.31624°) давом этади;

5-нуқтадан чегара «Навоийазот» АЖнинг темир йўл станцияси бўйлаб

ғарбий йўналишда 666 метр масофада 6-нуқтагача (40.10149°, 65.30901°) давом этади;

6-нуқтадан чегара «Навоий КМК» АЖнинг 1-сон ГМЗ кон бошқармаси чиқиндиларни сақлаш хўжалигига параллель равишда шимолий йўналишда 1611 метр масофада 7-нуқтагача (40.11590°, 65.30623°) давом этади;

7-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб шарқий йўналишда 1179 метр масофада 8-нуқтагача (40.11584°, 65.32005°) давом этади;

8-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб «Uz Cog Silicon» ҚК МЧЖ чегарасига перпендикуляр равишда жанубий йўналишда 520 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

### **2-худуд:**

А) 1-бошланғич нуқта (40.07017°, 65.26541°) Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган Навоий вилояти наркологиya диспансеридан 130 метр ва «Бинокор» темир йўл станциясидан 2100 метр масофада жойлашган;

1-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб шимолий йўналишда 310 метр масофада 2-нуқтагача (40.07301°, 65.26543°) давом этади;

2-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб шарқий йўналишда 170 метр масофада 3-нуқтагача (40.07300°, 65.26743°) давом этади;

3-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб шарқий йўналишда 170 метр масофада 4-нуқтагача (40.08002°, 65.26727°) давом этади;

4-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб жанубий йўналишда темир йўлга параллель равишда 3450 метр масофада 5-нуқтагача (40.07945°, 65.22642°) давом этади;

5-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб жанубий йўналишда темир йўлга параллель равишда 1100 метр масофада 6-нуқтагача (40.06951°, 65.22663°) давом этади;

6-нуқтадан чегара «Электркимёзаводи» АЖга параллель равишда шарқий йўналишда 3620 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

Б) 1-бошланғич нуқта (40.08492°, 65.26647°) Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган Навоий вилояти наркологиya диспансеридан 1450 метр ва «Бинокор» темир йўл станциясидан 1550 метр масофада жойлашган.

1-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб шимолий йўналишда 1075 метр масофада 2-нуқтагача (40.09459°, 65.26652°) давом этади;

2-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб ғарбий йўналишда 3425 метр масофада 3-нуқтагача (40.09438°, 65.22627°) давом этади;

3-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб жанубий йўналишда 1075 метр масофада 4-нуқтагача (40.08468°, 65.22629°) давом этади;

4-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб шимолий йўналишда темир йўлга перпендикуляр равишда 3425 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

## **II. «Қорақалпоғистон кимё технопарки» технологик кластери чегараларининг ТАВСИФИ**

1-бошланғич нуқта (43.10149°, 58.37518°) Қорақалпоғистон Республика-

си, Қўнғирот туманида жойлашган 50-сон умумтаълим мактабидан 565 метр ва Қўнғирот кимё sanoати коллежидан 1010 метр масофада жойлашган;

1-нуқтадан чегара Элобод посёлкасига перпендикуляр равишда шимоли-ғарбий йўналишда 1850 метр масофада 2-нуқтагача (43.11664°, 58.36577°) давом этади;

2-нуқтадан чегара очик майдон бўйлаб «Кунходжа» темир йўл станциясига параллель равишда жануби-ғарбий йўналишда 3900 метр масофада 3-нуқтагача 43.09059°, 58.33189°) давом этади;

3-нуқтадан чегара очик майдон бўйлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот туманидан ўтувчи А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу» йўлига қадар жанубий йўналишда 350 метр масофада 4-нуқтагача (43.08755°, 58.33376°) давом этади;

4-нуқтадан чегара Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот туманидан ўтувчи А-380 «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» йўлига параллель равишда шимоли-шарқий йўналишда АГТКШ чегарасигача 1500 метр масофада 5-нуқтагача (43.09341°, 58.35115°) давом этади;

5-нуқтадан чегара очик майдон бўйлаб А-380 «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» йўлига перпендикуляр равишда шимолий йўналишда 200 метр масофада 6-нуқтагача (43.09490°, 58.35000°) давом этади;

6-нуқтадан чегара очик майдон бўйлаб А-380 «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» йўлига параллель равишда шимоли-шарқий йўналишда 250 метр масофада 7-нуқтагача (43.09572°, 58.35240°) давом этади;

7-нуқтадан чегара очик майдон бўйлаб А-380 «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» йўлига қадар жанубий йўналишда 200 метр масофада 8-нуқтагача (43.09410°, 58.35348°) давом этади;

8-нуқтадан чегара очик майдон бўйлаб А-380 «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» йўлига параллель равишда шимоли-шарқий йўналишда 1950 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

### **III. «Фарғона кимё технопарки» технологик кластери чегараларининг ТАВСИФИ**

#### **1-худуд:**

1-бошланғич нуқта (40.42186°, 71.78970°) Фарғона шаҳри, Кимёгарлар кўчаси, 284 уйда жойлашган «Uz-Segang» ҚКнинг ғарбий чегарасига 35 метр узоқликда перпендикуляр жойлашган;

1-нуқтадан чегара ПА-6 майдони бўйлаб «Uz-Segang» ҚКнинг жануби-ғарбий чегараси томон шарқий йўналишда 35 метр масофада 2-нуқтагача (40.42185°, 71.79013°) давом этади;

2-нуқтадан чегара «Uz-Segang» ҚКнинг жануби-ғарбий чегараси бўйлаб шимол томонга 140 метр масофада 3-нуқтагача (40.42312°, 71.79024°) давом этади;

3-нуқтадан чегара «Uz-Segang» ҚКнинг шимоли-ғарбий чегараси бўйлаб шарқий йўналишда 133 метр масофада 4-нуқтагача (40.42304°, 71.79178°) давом этади;

4-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва фермер хўжалиги чегараси бўйлаб шимол томонга 330 метр масофада 5-нуқтагача (40.42603°, 71.79207°) давом этади;

5-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва фермер хўжалиги чегараси бўйлаб шарқ томонга 118 метр масофада 6-нуқтагача (40.42594°, 71.79352°) давом этади;

6-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва фермер хўжалиги чегараси бўйлаб шимол томонга 155 метр масофада 7-нуқтагача (40.42724°, 71.79366°) давом этади;

7-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб ғарб томонга 129 метр масофада 8-нуқтагача (40.42737°, 71.79202°) давом этади;

8-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб жануб томонга 120 метр масофада 9-нуқтагача (40.42627°, 71.79189°) давом этади;

9-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб ғарб томонга 152 метр масофада 10-нуқтагача (40.42638°, 71.79014°) давом этади;

10-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб жануб томонга 37 метр масофада 11-нуқтагача (40.42605°, 71.79011°) давом этади;

11-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб ғарб томонга 36 метр масофада 12-нуқтагача (40.42607°, 71.78961°) давом этади;

12-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб жануб томонга 97 метр масофада 13-нуқтагача (40.42519°, 71.78959°) давом этади;

13-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб шарқ томонга 3 метр масофада 14-нуқтагача (40.42519°, 71.78964°) давом этади;

14-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб жануб томонга 46 метр масофада 15-нуқтагача (40.42476°, 71.78960°) давом этади;

15-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб ғарб томонга 10 метр масофада 16-нуқтагача (40.42477°, 71.78948°) давом этади;

16-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ва ацетат толалари цехи чегараси бўйлаб жануб томонга 101 метр масофада 17-нуқтагача (40.42387°, 71.78938°) давом этади;

17-нуқтадан чегара ацетат толалари цехи худуди бўйлаб ғарб томонга ацетат толалари цехининг К-1 биноси тарафга 37 метр масофада 18-нуқтагача (40.42390°, 71.78893°) давом этади;

18-нуқтадан чегара ацетат толалари цехининг К-1 бино чегараси бўйлаб жануб томонга 4 метр масофада 19-нуқтагача (40.42386°, 71.78893°) давом этади;

19-нуқтадан чегара ацетат толалари цехининг К-1 бино чегараси бўйлаб параллель равишда ғарб томонга 199 метр масофада 20-нуқтагача (40.42401°, 71.78658°) давом этади;

20-нуқтадан чегара ацетат толалари цехининг К-1 бино чегараси бўйлаб

жануб томонга 24 метр масофада 24-нуқтагача (40.42381°, 71.78656°) давом этади;

21-нуқтадан чегара ацетат толалари цехнинг К-1 ва К-1А маъмурий биноларнинг чегараси бўйлаб параллель равишда шарқ томонга 174 метр масофада 22-нуқтагача (40.42365°, 71.78868°) давом этади;

22-нуқтадан чегара ацетат толалари цехнинг К-1А маъмурий биноси чегарасидан жануб томонга 12 метр масофада 23-нуқтагача (40.42354°, 71.78866°) давом этади;

23-нуқтадан чегара ацетат толалари цехнинг К-1А маъмурий биноси чегарасига параллель равишда ғарб томонга 49 метр масофада 24-нуқтагача (40.42358°, 71.78801°) давом этади;

24-нуқтадан чегара ацетат толалари цехнинг К-1А маъмурий биноси чегарасидан жануб томонга 178 метр масофада 25-нуқтагача (40.42198°, 71.78785°) давом этади;

25-нуқтадан чегара ацетат толалари цехнинг жанубий чегараси бўйлаб «El company tex» МЧЖнинг жануби-ғарбий чегараси томонга қараб 83 метр масофада 26-нуқтагача (40.42192°, 71.78884°) давом этади;

26-нуқтадан чегара ацетат толалари цехи ва «Uz-Segang» ҚКнинг туташ чегаралари бўйлаб шимол томонга 144 метр масофада 27-нуқтагача (40.42320°, 71.78899°) давом этади;

27-нуқтадан чегара ацетат толалари цехи чегарасидан шарқ томонга ПА-6 цехи чегарасигача 73 метр масофада 28-нуқтагача (40.42316°, 71.78981°) давом этади;

28-нуқтадан чегара ПА-6 цехи ҳамда «Uz-Segang» ҚКнинг туташ чегаралари бўйлаб жануб томонга 147 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

## **2-худуд:**

1-бошланғич нуқта (40.44001°, 71.82765°) Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, «Ахшак» МФЙ, Бешалиш зонаси, Киргили станциясидан 1 км узокликда «Фарғонаазот» АЖ 2-ишлаб чиқариш майдонининг жануби-шарқий бурчагида жойлашган бўлиб, «Farnestroyservis» МЧЖ худудига чегарадош;

1-нуқтадан чегара «Фарғонаазот» АЖ ва «Farnestroyservis» МЧЖ чегараси бўйлаб жануби-шарқий йўналишда 191 метр масофада 2-нуқтагача (40.44038°, 71.82985°) давом этади;

2-нуқтадан чегара «Фарғонаазот» АЖнинг фермер хўжалик худуди билан чегараси бўйлаб шимолий йўналишда 313 метр масофада 3-нуқтагача (40.44313°, 71.82906°) давом этади;

3-нуқтадан чегара «Фарғонаазот» АЖ худуди бўйлаб ғарбий йўналишда 448 метр масофада 4-нуқтагача (40.44228°, 71.82389°) давом этади;

4-нуқтадан чегара «Фарғонаазот» АЖ худуди бўйлаб жанубий йўналишда 163 метр масофада 5-нуқтагача (40.44085°, 71.82428°) давом этади;

5-нуқтадан чегара «Фарғонаазот» АЖ худуди бўйлаб шарқий йўналишда 253 метр масофада 6-нуқтагача (40.44128°, 71.82726°) давом этади;

6-нуқтадан чегара «Фарғонаазот» АЖ худуди бўйлаб жанубий йўналишда 152 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 10 октябрдаги  
ПҚ–388-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Навоий кимё технопарки» технологик кластерини  
кенгайтириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар  
тоифасидан саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар  
тоифасига ўтказиладиган ер участкалари  
РЎЙХАТИ**

Худуд номи	Контур рақами	Жами ер участкаси (гектар)	Шундан:		Тупроқ бонитет бали
			суғориладиган ерлар	бошқа ерлар	
Навоий вилояти, Кармана тумани, «М. Ибрагимов» массиви, «Хончарвоқ» МФЙ	450к, 451к, 452, 493, 494, 497, 499, 500, 503, 508	115	115	-	47
<b>ЖАМИ</b>		<b>115</b>	<b>115</b>	<b>-</b>	<b>47</b>

Изоҳ: Навоий кимё технопарки таркибига кирувчи ҳудуд чегарасининг тавсифи:

1-бошланғич нуқта (40.11125°, 65.320939°) Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган «Uz Cor Silicon» ҚК МЧЖ шимоли-шарқий чегарасида жойлашган.

1-нуқтадан чегара «Uz Cor Silicon» ҚК МЧЖ чегарасига параллел равишда гарбий йўналишда 85 метр масофада 2-нуқтагача (40.11102°, 65.31857°) давом этади;

2-нуқтадан чегара «Uz Cor Silicon» ҚК МЧЖ чегарасига параллел равишда «НКМК» АЖнинг 1-сон ГМЗ кон бошқармаси чиқиндиларни сақлаш хўжалигига перпендикуляр равишда жанубий йўналишда 365 метр масофада 3-нуқтагача (40.10767°, 65.31923°) давом этади;

3-нуқтадан чегара «НКМК» АЖнинг 1-сон ГМЗ кон бошқармаси чиқиндиларни сақлаш хўжалиги чегараси бўйлаб жануби-гарбий йўналишда 340 метр масофада 4-нуқтагача (40.10642°, 65.31572°) давом этади;

4-нуқтадан чегара «НКМК» АЖнинг 1-сон ГМЗ кон бошқармаси чиқиндиларни сақлаш хўжалиги чегараси бўйлаб жанубий йўналишда 220 метр масофада 5-нуқтагача (40.10642°, 65.31572°) давом этади;

5-нуқтадан чегара «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга тегишли темир йўл омборхонасига перпендикуляр равишда жанубий йўналишда 110 метр масофада 6-нуқтагача (40.10642°, 65.31572°) давом этади;

6-нуқтадан чегара «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга тегишли темир йўл омборхонасига параллел равишда жануби-гарбий йўналишда 680 метр масофада 7-нуқтагача (40.10153°, 65.30909°) давом этади;

7-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб жануби-гарбий йўналишда 1450 метр масофада 8-нуқтагача (40.11446°, 65.30652°) давом этади;

8-нуқтадан чегара очиқ майдон бўйлаб «Uz Cor Silicon» ҚК МЧЖ чегарасига перпендикуляр равишда жанубий йўналишда 520 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**383** Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш бўйича тизимли ишларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги ПҚ–208-сон қарорининг 2-бандида бюджет буюртмачилари учун назарда тутилган чекловлар Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар (кейинги ўринларда — ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар) томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни харид қилишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кўргазма ярмаркасини доимий тарзда ўтказиш графикларини тасдиқласин.

Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳудудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш учун зарур павильонларни аниқласин ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин. Бунда:

ҳудудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш учун зарур павильонлар бепул тарзда ажратилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари мазкур кўргазма ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

3. Давлат буюртмачиларига ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўргазма ярмаркалари давомида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар билан улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни уч йилгача муддат давомида

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 октябрда эълон қилинган.



кафолатли харид қилишни назарда тутувчи шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари ўз ҳудудида фаолият юритаётган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва техник параметрлари тўғрисидаги ахборотларни 2022 йил 15 ноябрга қадар Электрон кооперация порталига жойлаштиради ва мунтазам равишда янгилаб борсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари доимий тарзда ўз ҳудудида тадбиркорлик субъектлари учун ўтказиладиган кўргазма ярмаркаси доирасида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг ўз маҳсулотлари билан иштирок этишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари мазкур бандда белгиланган вазифалар ўз муддатида ва сифатли бажарилиши ҳамда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг фаолиятига кўмаклашиш ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин, шунингдек, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) 2023 йил 1 январга қадар ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ягона реестри (кейинги ўринларда — Реестр) юритилишини ташкил этиш;

Бунда, Реестр Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида юритилади, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан ўзаро электрон маълумотлар алмашинуви асосида шакллантирилади ва янгилаб борилади;

б) тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ўринлари ва шароитларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларининг меҳнат шароитлари юзасидан давлат экспертизаси хулосасини талаб қилиш тартибини бекор қилиш.

6. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат харидлари доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агент-

лиги ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб режа-жадвалларидаги харид предмети ҳажмининг камида 10 фоизи миқдорида жойлашган ҳудуди бўйича тегишлича Реестрга киритилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни шартнома асосида сотиб олади.

Бунда, барча давлат буюртмачилари ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслардан харид қилинган товарлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг ёки юқори турувчи ташкилотларнинг расмий веб-сайтида доимий равишда жойлаштириб боради.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошидаги Рақамли трансформация маркази бир ой муддатда Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи бўлимни ишга туширсин.

8. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон карлар жамиятининг 2022 йил давомида тажриба тариқасида Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб қолган ҳудудларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, маданият, санъат, спортга оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Имкониятлар маркази» фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, «Имкониятлар маркази»:

ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони сифатида фаолият юритади;

ногиронлиги бўлган шахслар билан дастлабки суҳбатлар ўтказиб, уларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга ўқитишга кўмаклашади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) «Имкониятлар маркази» фаолиятини ташкил этиш учун Нукус туманидаги Кердер саноат транспорт касб-ҳунар коллежи ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги «Ишга марҳамат» мономарказидан зарур хоналар ажратсин.

9. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон карлар жамиятининг талабномаларига асосан Транспорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг жойлашувидан келиб чиқиб, мавжуд жамоат транспорти йўналишларига ўзгартиришлар киритиш ёки янгиларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий

ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар фаолияти ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, шунингдек, ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 12 октябрь,  
ПҚ–390-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**384 Саноат ишлаб чиқаришида хом ашё узлуксизлигини таъминлаш бўйича қўшимча қулайликларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Жорий йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимини янада содалаштириш, саноат корхоналарининг хом ашё таъминотини яхшилаш мақсадида:

1. 2025 йил 1 январга қадар 1-иловага мувофиқ хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларга импорт божхона божи ноль ставкада қўлланилсин.

2. Белгилансинки, «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режими доирасида барча ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона тўловлари тўланишини таъминлаш талаби бекор қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига 2-иловага мувофиқ технологик асбоб-ускуналар киритилсин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2023 йил 1 январдан бошлаб:

асбоб-ускуналар (қурилмалар, механизмлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар) сотиб олиш (сотиш) бўйича шартномада (контрактда) уларни монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш хизматлари, ходимларни ўқитиш хизматлари ва бошқа шу каби хизматлар қиймати алоҳида кўрсатилмаган ҳолларда норезидентнинг солиқ солинадиган даромадини ушбу хизматларнинг бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш тўғрисидаги;

мазкур турдаги шартномалар (контрактлар) бўйича монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш хизматлари, ходимларни ўқитиш хизматлари ва бошқа шу каби хизматлар кўрсатганлик учун норезидентнинг солиқ солинадиган даромадини шартнома объекти қийматининг 20 фоизига тенг деб ҳисоблашнинг амалдаги тартибини бекор қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига:

республика ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига киритилган, бироқ ишлаб чиқарилганига уч йилдан кўп бўлган айрим технологик

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 октябрда эълон қилинган.

асбоб-ускуналар рўйхатини фақат божхона божидан озод қилиш шарти билан тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги «Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6306-сон Фармони 3-бандининг учинчи хатбошисида назарда тутилган норма келиб чиқиш сертификати асосида ҳам қўлланиладиган юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатларни белгилаш;

мувофиқлик сертификатини тақдим этмаган ҳолда, уни божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида ўрнатилган тартибда олиш шарти билан, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кериладиган маҳсулотларнинг божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга йўл қўйиладиган ҳолатлар рўйхатини (импорт қилувчининг кафолат хати асосида) тасдиқлаш ваколати берилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 12 октябрь,  
ПҚ–392-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги  
ПҚ–392-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**2025 йил 1 январга қадар импорт божхона божи ноль ставкада  
қўлланиладиган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Хом ашё ва ярим тайёр маҳсулот номи	ТИФ ТН коди
1.	Ҳимояланган тупроқ учун ўсимликлар, томир отган қаламчалар ва ёш ўсимликлар, кактуслардан ташқари	0602 90 700 0
2.	Ҳимояланган тупроқ учун ўсимликлар, гул ёки гунчали гуллайдиган ўсимликлар, кактуслардан ташқари	0602 90 910 0
3.	Ҳимояланган тупроқ учун бошқа ўсимликлар	0602 90 990 0
4.	Шакарни рафинадлаш ёки ажратиб олиш натижасида олинган меласса	1703
5.	Қайта ишланмаган ёки дағал бўлакланган мармар ва травертин ёки оҳақтошли туф	2515 11 000 0

6.	Бошқа ранг берувчи моддалар; 3203, 3204 ёки 3205-товар позицияларидаги препаратлардан фаркланувчи, ушбу гуруҳнинг 3-изохида кўрсатилган препаратлар; кимёвий таркиби аниқ ёки ноаниқ бўлган, люминофорлар сифатида ишлатиладиган ноорганик маҳсулотлар: титан диоксиди асосида тайёрланган бошқа пигментлар ва препаратлар	3206 19 000 0
7.	Концентрацияланган ёки концентрацияланмаган, қаттиқ ёки қаттиқ бўлмаган бошқа сиёҳлар	3215 90 000 0
8.	Бирламчи шаклдаги этилен полимерлари	3901
9.	Бирламчи шакллардаги пропилен ва бошқа олефинларнинг полимерлари	3902
10.	Пластмассадан қилинган бошқа катушкалар, шпулкалар, бобиналар ва шунга ўхшаш буюмлар	3923 40 900 0
11.	Юклама индекси 121 дан юқори бўлган, автобуслар ёки юк ташиш учун белгиланган моторли транспорт воситалари учун янги пневматик резина шиналар ва покришкалар	4011 20 900 0
12.	Ҳаво кемаларида фойдаланиш учун янги пневматик резина шиналар ва покришкалар	4011 30 000 0
13.	Қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналари учун янги пневматик резина шиналар ва покришкалар (9.00-16, 6.50-16 ва 260/95-16 ўлчамли турларидан ташқари)	4011 70 000 0
14.	Комплекс синтетик иплардан газламалар, шу жумладан, 5404-товар позициясидаги материаллардан тайёрланадиган газламалар	5407 20 190 0, 5407 20 900 0, 5407 30 000 0, 5407 43 000 0, 5407 44 000 0, 5407 51 000 0, 5407 53 000 0, 5407 54 000 0, 5407 71 000 0, 5407 81 000 0, 5407 91 000 0
15.	Сунъий комплекс иплардан газламалар, шу жумладан, 5405-товар позициясидаги материаллардан тайёрланадиган газламалар	5408 10 000 0, 5408 21 000 0, 5408 22 100 0, 5408 32 000 0, 5408 33 000 0
16.	Таркибида синтетик толалар 85 мас.% ёки ундан ортиқ бўлган синтетик толалардан газламалар	5512 11 000 0, 5512 19 100 0, 5512 91 000 0
17.	Таркибида синтетик толалар 85 мас.% дан кам, асосан ёки фақат пахта толалари билан аралаштирилган, юза зичлиги 170 г/м <sup>2</sup> дан ортиқ бўлмаган синтетик толалардан газламалар	5513 11 900 0, 5513 12 000 0, 5513 13 000 0, 5513 19 000 0, 5513 23 100 0, 5513 23 900 0, 5513 31 000 0

18.	Таркибида синтетик толалар 85 мас.% дан кам, асосан ёки фақат пахта толалари билан аралаштирилган, юза зичлиги 170 г/м <sup>2</sup> дан ортиқ бўлган синтетик толалардан газламалар	5514 12 000 0, 5514 19 100 0, 5514 19 900 0, 5514 23 000 0, 5514 30 500 0, 5514 43 000 0
19.	Синтетик толалардан бошқа газламалар	5515 11 300 0, 5515 12 300 0, 5515 13 190 0, 5515 19 900 0
20.	Сунъий толалардан газламалар	5516 12 000 0, 5516 21 000 0, 5516 24 000 0
21.	Полиуретан қопламали ёки дублирланган, шимдирилган, 5902-товар позициясидаги материаллардан ташқари тўқимачилик материаллари	5903 20 100 0, 5903 20 900 0

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги  
ПҚ-392-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда  
божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган,  
ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик  
асбоб-ускуналар рўйхатига киритилаётган технологик  
асбоб-ускуналар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	ТИФ ТН кодлари	ТИФ ТН бўйича номи
1.	8426120000	Филдиракли, ҳаракатланадиган кўтарма фермалар ва портал юк орткичлар
2.	8426200000	Минора кранлари
3.	8428208001	Тўқимачилик толаларини транспортировка қилиш учун пневматик кўтаргичлар ва конвейерлар
4.	8428208009	Бошқа пневматик кўтаргич ва конвейерлар
5.	8428320000	Товарлар ёки материаллар учун узлуксиз ишлайдиган бошқа ковшли элеватор ва конвейерлар
6.	8428330000	Товарлар ёки материаллар учун узлуксиз ишлайдиган бошқа тасмали элеватор ва конвейерлар
7.	8428392000	Товарлар ёки материаллар учун узлуксиз ишлайдиган бошқа роликли конвейерлар
8.	8428399009	Товарлар ёки материаллар учун узлуксиз ишлайдиган бошқа элеваторлар ва конвейерлар

9.	8472300000	Почта жўнатмаларини саралаш, тахлаш ёки конвертларга жойлаш ёки ўраб боғлаш учун машиналар, почта жўнатмаларини очиш, ёпиш ёки муҳрлаш учун машиналар ҳамда почта маркаларини ёпиштириш ёки ҳисобдан чиқариш учун машиналар
10.	8478100000	Тамаки таёқчалари (стиклари)ни ишлаб чиқариш учун ускуна
11.	8501630000	Ўзгарувчан ток генераторлари (номинал чиқиш қуввати 375 кВА дан 750 кВА гача)
12.	8501640000	Ўзгарувчан ток генераторлари (номинал чиқиш қуввати 750 кВА дан юқори)
13.	8515190000	Юқори ҳароратли пайвандлаш учун бошқа машина ва аппаратлар
14.	8704109000	Йўлсиз шароитларда фойдаланиш учун мўлжалланган, электромеханик трансмиссияга эга (дизель ва электр двигателлари ўрнатилган) юк кўтариш қуввати 50 тоннадан юқори бўлган юк машинаси (автомобиль-самосвал)



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ****385 Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-3*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 16 январдаги 01-02/8-1-сон қарори (рўйхат рақами 2856, 2017 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Раис****А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 29 август,  
8/02-22-29-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил  
29 августдаги 8/02-22-29-сон қарорига  
ИЛОВА

**Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш  
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслар томонидан қўл юкида ёки кузатиб борилаётган багажидида олиб ўтилаётган товарларнинг, шунингдек халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида юборилаётган шундай товарларнинг қиймати ва (ёки) миқ-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 октябрда эълон қилинган.

дори қонунчилик ҳужжатларида белгиланган товарларни олиб киришнинг божхона тўловлари ундирилмайдиган чекланган меъёридан ошганда, ортиқча қисмига ягона божхона тўлови ундирилишида;»;

тўртинчи хатбошидаги «ўн бараваригача» деган сўзлар «ўттиз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қўйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«2<sup>1</sup>. БКО Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 291-моддасида келтирилган хатти-ҳаракат ёки тартиб-таомилларни бажарган божхона органи томонидан расмийлаштирилади.».

3. 3-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлмаган божхона йиғимлари ва божхона органлари томонидан ундирилиши назарда тутилган бошқа йиғимларни ундиришда мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ соддалаштирилган шаклдаги БКО шаклидан фойдаланилади.».

4. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. БКО божхона тўловларини тўловчи шахс тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотлар асосида божхона ходими томонидан электрон тарзда рўйхатга олиниб расмийлаштирилади ва икки нусхада чоп этилади ҳамда божхона ходимининг шахсий муҳри ва имзоси билан тасдиқланади. БКОнинг биринчи нусхаси унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга БКО расмийлаштирилган божхона органида сақланади, иккинчи нусхаси божхона тўловларини тўлаган шахсга топширилади (юборилади).

Божхона ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган БКОларга ҳамда соддалаштирилган шаклдаги БКОларга божхона ходими томонидан муҳр ва имзо қўйилиши талаб этилмайди.

БКО божхона тўловларини тўловчи шахс, яъни декларант ҳамда божхона брокери (шу жумладан, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис) томонидан Давлат божхона қўмитасининг расмий сайтида шахсий кабинет орқали электрон тарзда шакллантирилган ҳолда божхона органларига тақдим этилиши мумкин.».

5. 8-банддан «комплекси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6. 10-бандда:

а) 1-кичик бандда:

саккизинчи хатбошидаги ««ТР»;» деган қисқартма ««ТР».» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 3-кичик банднинг учинчи хатбошисидан «комплекси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 11-банднинг 1-кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «комплекси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 12-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Қўйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин:

**«3<sup>1</sup>-боб. Соддалаштирилган шаклдаги БКОни тўлдириш**

14<sup>1</sup>. Божхона ходими томонидан божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда соддалаштирилган шаклдаги БКО тўлдирилади.

14<sup>2</sup>. Соддалаштирилган шаклдаги БКОнинг 2-графаси БКО асосий варағи 4-графасига, соддалаштирилган шаклдаги БКОнинг 4 ва 5-графалари БКО асосий варағи 19 ва 20-графаларига мувофиқ тўлдирилади. Божхона тўловларини тўловчи шахс томонидан соддалаштирилган шаклдаги БКОнинг 6-графаси БКО асосий варағи 22-графасига мувофиқ тўлдирилади.

Божхона йиғимлари Давлат божхона қўмитасининг расмий сайтида шахсий кабинет орқали электрон тарзда шакллантирилган БКО асосида ундирилганда соддалаштирилган шаклдаги БКОнинг 6-графаси электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

14<sup>3</sup>. Божхона ходими томонидан графаларнинг тўлдирилиши:

1) 1-графа. «БКО рўйхат рақами».

БКО рўйхат рақами қуйидаги бўлмаларда кўрсатилади:

биринчи бўлмада:

а) божхона пости томонидан БКО расмийлаштирилишида Йўриқнома-нинг 4-иловасига мувофиқ божхона постининг коди;

б) божхона постидан бошқа таркибий тузилмалар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар бўйича дастур томонидан автоматик тарзда қўйиладиган код;

иккинчи бўлмада БКО расмийлаштирилган кун, ой, йил;

учинчи бўлмада дастур томонидан автоматик тарзда бериладиган тартиб рақам кўрсатилади.

Масалан: Божхона пости томонидан расмийлаштирилган ҳолларда — 27001/01.01.2022/0000001.

Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексининг масъул таркибий тузилмалари томонидан расмийлаштирилган ҳолларда — 1727/01.01.2022/0000001.

2) 3-графа. «Тақдим этиладиган ҳужжатлар/қўшимча маълумотлар».

Графада БКО тўлдиришга асос бўладиган ҳужжатлар:

а) дастлабки қарорни олиш учун тақдим этилган ариза рақами ва санаси;

б) эгаси божхона органи бўлган божхона омборида ёки чегара божхона постида вақтинча товарларни сақлаш учун асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси;

в) транспорт воситасини божхона кузатувини амалга ошириш ёки божхона назорати остида ташилаётган товар ва транспорт воситалари учун белгиланган етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолатда транзит декларацияси рақами ва санаси (масалан, ТР № 27001/01.01.2022/0000105);

г) автотранспорт воситасини бир календарь йил давомида тўқсон календарь кундан ортиқ муддатга вақтинчалик олиб кирганликда транспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш мажбуриятномаси рақами ва санаси;

д) қонунчиликда назарда тутилган бошқа йиғимларни ундириш учун асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси.»

10. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Расмийлаштирилган БКОнинг бир нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, шу жумладан унинг дастурдаги электрон шакли товарлар божхона назорати остида турган товар мақомини йўқотган ёки божхона органи томонидан мазкур Қоидаларда белгиланган хатти-ҳаракат ва тартиб-таомиллар амалга оширилган йилдан кейинги йилдан эътиборан бевосита БКО расмийлаштирилган божхона органида уч йил давомида сақланади.»

11. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда 3-илова билан тўлдирилсин.

Божхона кирим ордерининг шакли ва  
уни тўлдириш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Божхона кирим ордерининг шакли ва  
уни тўлдириш қоидаларига  
3-ИЛОВА

### СОДДАЛАШТИРИЛГАН БОЖХОНА КИРИМ ОРДЕРИ

<b>1. БКО рўйхат рақами</b>					
<b>2. Тўловчи/Молия ва банк маълумотлари</b>					
<b>3. Тақдим этиладиган ҳужжатлар/қўшимча маълумотлар</b>					
<b>4. Божхона тўловлари ҳисоби</b>					
Тўлов тури	Ҳисоблаш асоси	Ставка	Сумма	Тўлов усули	Ҳисоб-китоб тафсилоти
<b>5. Божхона органининг белгиси</b>			<b>6. Тўловчининг имзоси</b>		
<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; width: fit-content; margin: 0 auto;">           QR-код (матрик штрихли код)         </div>					

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА  
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**386** «Харбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 июлдаги 398-сон «Харбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири**

**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 7 октябрь,  
30-сон

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 4 октябрь,  
44ққ-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 октябрда эълон қилинган.

**Фавқулодда вазиятлар вазири****А. КУЛДАШЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 сентябрь,  
22-сон

**Молия вазири****Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 26 сентябрь,  
51-сон

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 7 октябрь,  
19-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси****А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 30 сентябрь,  
13/02-22-33-сон

**Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири****Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 4 октябрь,  
234-мҲ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 7 октябрдаги  
30-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил  
4 октябрдаги 44ққ-сон, Фавқулодда вазиятлар  
вазирлигининг 2022 йил 28 сентябрдаги 22-сон,  
Молия вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрдаги  
51-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг  
2022 йил 7 октябрдаги 19-сон, Давлат божхона  
қўмитасининг 2022 йил 30 сентябрдаги  
13/02-22-33-сон ва Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш  
вазирлигининг 2022 йил 4 октябрдаги  
234-мх-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 16 октябрдаги 10, 12, 281, 100, 90, 01-02/5-27 ва 325-сон «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2024, 2009 йил 27 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 44-сон, 473-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 16 майдаги 5, 11, 4, 50, 33, 01-02/5-5, 22-мх-сон «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2024-1, 2013 йил 15 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 24-сон, 323-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**387** «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2209-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 5 февралдаги 4/4-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2209, 2011 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 111-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 16 сентябрь,  
20/2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
16 сентябрдаги 20/2-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қарорда:

а) номи ва 1-бандидаги «микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар» деган сўзлар «нобанк кредит ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 октябрда эълон қилинган.



б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) номидаги «микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар» деган сўзлар «нобанк кредит ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан nobank кредит ташкилотлари фаолиятини текшириш тартибини белгилайди.»;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Марказий банк nobank кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифаларини амалга ошириш учун текширувлар ўтказди.»;

г) 3-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

**«nobank кредит ташкилотлари** — банклар томонидан амалга ошириладиган айрим молиявий операцияларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонунида рухсат этилган мажмуини амалга оширувчи кредит ташкилотлари (микромолия ташкилоти, ломбард ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти);»;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**388** Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-6*

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ–665-сон «Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, 2021 йил 25 августдаги ЎРҚ–711-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2021 йил 30 ноябрдаги ЎРҚ–734-сон «Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2240, 2011 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 286-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 август,  
326-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2022 йил  
25 августдаги 326-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий  
ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Йўл ҳаракати қоидаларининг (кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади) бузилишига доир ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда Кодекс деб юритилади), Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарори, мазкур Йўриқнома ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.»

2. Қуйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«4<sup>1</sup>. Қоидаларнинг бузилишига доир ишлар Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими (кейинги ўринларда «E-ma'muriy ish» тизими деб юритилади) орқали электрон шаклда юритилади.»

3. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қоидаларни бузган ҳайдовчиларга нисбатан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЙХХХ деб юритилади) ходими ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома (кейинги ўринларда электрон шаклдаги маъмурий баённома деб юритилади) махсус дастурий таъминот ўрнатилган мобиль курилма (кейинги ўринларда планшет деб юритилади) ёки компьютер ёрдамида «E-ma'muriy ish» тизими орқали расмийлаштиради.

Электрон шаклдаги маъмурий баённома «Фуқароларнинг биометрик ҳужжатлари электрон тизими» ёки дактилоскопик таққослаш ёхуд мультибиометрик идентификация қилиш дастурлари (кейинги ўринларда идентификация тизимлари деб юритилади) орқали ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаган ҳолда электрон рақамли имзо ёки электрон график имзо ҳамда QR-код (матрица штрихли код) билан тасдиқланади.

Содир этилган ҳуқуқбузарликлар кейинчалик аниқланганда, маъмурий ишлар жабрланувчининг аризаси билан қўзғатилганда, шунингдек алоқа тармоғи мавжуд бўлмаган ҳудудларда ёки маъмурий ишни қоғоз шаклида шакллантиришни тақозо этадиган ҳолатларда ҳужжатлар, шу жумладан мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ шаклда Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги ҳақида баённома (кейинги ўринларда қоғоз шаклдаги маъмурий баённома деб юритилади) қоғоз шаклида расмийлаштирилиб, ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда pdf форматига сканер қилинган ҳолда белгиланган тартибда «E-ma'muriy ish» тизимига киритилади.

Қоидаларни бузган ҳайдовчилардан жойида жарима олиш қатъиян ман этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори, юридик шахсга тегишли транспорт воситаларидан фойдаланиб содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қайд этилган тақдирда юридик шахснинг транспорт воситаларидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси тортилади.».

4. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

«6. Қоидаларнинг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан Кодекснинг 138-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда (пиёдаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари) электрон ёки қоғоз шаклдаги маъмурий баённома (кейинги ўринларда маъмурий баённома деб юритилади) тузилмайди.

Ҳуқуқбузар пиёдага мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда жарима тўлаганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Ҳуқуқбузар пиёда ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса ёки унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан ошса ёхуд жойида жарима тўлашга имкони бўлмаганда маъмурий баённома расмийлаштирилади ва унга бу ҳақда ёзиб қўйилади.».

5. 6<sup>1</sup>-бандда:

биринчи хатбошидаги «1<sup>1</sup>-иловасига» деган сўзлар «1<sup>2</sup>-иловасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёки автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар (техник экспертиза хулосаси, ўлчаш воситаларининг далолатномалари, log-файллар ва бошқа ҳужжатлар) электрон алоқа тармоғи орқали реал вақт режимида «E-ma'muriy ish» тизимида конвертация қилиш йўли билан тақдим этилади.».

6. 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳайдовчи белгиланган тезликни ошириб юборганда тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар ва транспорт воситалари спидометрлари кўрсаткичларидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган жами хатолар ҳисобга олиниб, улар қайд этган тезликдан соатига 5 километр чегириб ташланган ҳолда маъмурий баённома тузилади.».

7. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳ, холисга тегишли бўлган шахсга доир маълумотларнинг (фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси) планшет ёки компьютер орқали электрон шаклдаги маъмурий баённомага тўғри киритилишига ДЙҲХХ ходими масъул ҳисобланади.

Бунда, ДЙҲХХ ходими ҳуқуқбузар, шунингдек гувоҳлар, холислар ва жабрланувчиларга электрон шаклдаги маъмурий баённомани ўзларининг электрон график имзоси ёки бармоқ изи билан тасдиқлашни таклиф этади.

Агар ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳ, холис Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки идентификация тизимлари ёрдамида уларнинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаса, уларнинг ёнида маълумотлар базасига киритилмаган чет эл паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, ДЙҲХХнинг ходими ушбу ҳужжатларга асосан шахсга доир маълумотларни электрон тизимга қўлда киритади ҳамда унинг тўғри киритилишига шахсан жавоб беради.»

8. 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Маъмурий ишларни планшет орқали ёки компьютерда расмийлаштиришда ҳуқуқбузарга:

маъмурий ишнинг электрон шаклда расмийлаштирилаётганлиги;

жаримани ёки зарарни ихтиёрий равишда электрон тўлов тизимлари, мобил иловалар ёки банк кассалари орқали, ejagima.uz веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали тўлаши мумкинлиги;

жарима ёки зарарни ўн беш кун муддатда ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, жарима суммасининг етмиш фоизини тўлаши мумкинлиги;

Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.»

9. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. ДЙҲХХ ходими томонидан маъмурий иш юритишда планшетдан фойдаланган ҳолда аудио, видеоёзувлардан ҳамда фотосуратлардан, шунингдек, бошқа маълумотлардан (техник экспертиза хулосаси, ўлчаш воситаларининг далолатномалари ва бошқа махсус ҳужжатлар) иборат ҳужжатлар электрон шаклда қайд этилиши мумкин.

Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдириб, маъмурий баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда планшетдан фойдаланган ҳолда маъмурий баённомага ёзиб қўйилади.

Ҳуқуқбузар маъмурий баённоманинг мазмуни юзасидан унга илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақли. Бунда, ДЙҲХХ ходими томонидан гувоҳлар ва (ёки) холислар иштирокида далолатнома тузилади ҳамда ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда pdf форматига сканер қилинган ҳолда белгиланган тартибда «E-mailing ish» тизимига киритилади.

Фуқаро маъмурий баённомани имзолашдан ҳамда бу ҳақда изоҳ бериш ёки тушунтириш беришдан бош тортган ҳолларда маъмурий баённома гувоҳлар ва (ёки) холислар иштирокида расмийлаштирилади. Бунда, мазкур талабларга риоя қилинмасдан расмийлаштирилган маъмурий баённома ДЙҲХХнинг маъмурий амалиёт инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.»

10. Қўйидаги мазмундаги 15<sup>1</sup>-15<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«15<sup>1</sup>. Йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида берилган хабар юзасидан ДЙҲХХ ходими ҳодиса содир бўлган жойга етиб келганда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгала-

рининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 20<sup>1</sup> ва 20<sup>2</sup>-моддаларига мувофиқ тузилган бўлса, ДЙҲХХ ходими ушбу хабарнома нусхасини олиб билдирги асосида ички ишлар органлари навбатчилик қисмига топширади.

Бунда, йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 20<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослардан исталган биттаси мавжуд бўлмаган тақдирда ДЙҲХХ ходими йўл-транспорт ҳодисасини умумий тартибда расмийлаштириб, тўпланган ҳужжатларни терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсга тақдим этади.

15<sup>2</sup>. Йўл-транспорт ҳодисасига доир маъмурий иш материаллари ва маъмурий баённома Кодекснинг 282-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда «Е-та'муриy ish» тизими орқали тегишли судларга юборилади.»

11. Қуйидаги мазмундаги 16<sup>1</sup>-16<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«16<sup>1</sup>. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи ДЙҲХХ мансабдор шахси тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун иш материалларини Кодекснинг 313<sup>3</sup>-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

16<sup>2</sup>. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни томонларнинг ярашуви муносабати билан тугатиш мақсадида жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили ярашув тўғрисидаги аризани ишни ДЙҲХХ мансабдор шахси томонидан кўриб чиқиш вақтида, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд қарор чиқаргунига қадар бериши мумкин.

Аризада етказилган зарар бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши керак.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

ДЙҲХХ мансабдор шахси аризани қабул қилиш чоғида жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига, агар суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.»

12. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Қоғоз шаклдаги маъмурий баённомалар ва жарима қвитанциялари ҳамда махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузилиши юзасидан чиқарилган жарима солиш тўғрисидаги қарорларнинг бланкалари қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар ҳисобланади. Қоғоз шаклдаги маъмурий баённома, жарима қвитанцияси, талон, вақтинчалик рухсатномага ёзувлар аниқ ҳолда кўк ёки қора рангли сиёҳлар (паста) билан қайд этилади. Унда ўчириб ёзишга, тузатишга ёки илгари қайд этилган ёзувларни тузатиш, воситалар ёрдамида йўқотишга йўл қўйилмайди.»

13. 26-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик содир бўлган жойда кўриб чиқилади. Кодекснинг 113-моддасининг бешинчи қисмида, 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситалари рўйхатга олинган жойда кўриб чиқилиши ҳам мумкин.»

14. 31-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишни ҳуқуқбузар яшайдиган жойдаги Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссияларига кўриб чиқиш учун юборади;».

15. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ваколати доирасида маъмурий ишларни кўриб чиқувчи органларга маъмурий ишлар бир иш кун ичида «E-ma'muriy ish» тизими орқали юборилади.

Маъмурий иш бўйича ҳужжатларнинг кирими ва чиқими ҳужжатларни ҳисобга олиш китобига қайд этилади. Ҳужжатларни ҳисобга олиш китобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Маъмурий баённомани расмийлаштирган мансабдор шахс Кодексга асосан мазкур маъмурий ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган тақдирда, ишни олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади ва бу ҳақда фуқарони хабардор этади ёки қарор нусхаси у чиқарилган пайтдан бошлаб уч кун ичида почта хизмати орқали фуқаронинг яшаш манзилига юборади.

Ҳуқуқбузар маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни ejarima.uz веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига олиши ҳам мумкин.

Агар ҳуқуқбузар ўзига нисбатан чиқарилган маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарордан норози бўлган ва судга мурожаат қилган тақдирда, ваколатли орган маъмурий иш ҳужжатларини «E-ma'muriy ish» тизими орқали тегишли судга юборилишини таъминлайди.»

16. 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кодекснинг 54-моддаси иккинчи қисмида (транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар бузилиши қисмида), 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128<sup>6</sup>-моддасида (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса), 131-моддасида, 135-моддасида (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси, ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати ёнида мавжуд бўлмаганлиги ҳоллари бундан мустасно), 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137-моддасида, 194-моддасида (ички ишлар органи ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний та-

лабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда, транспорт воситаси ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар ушлаб турилиши мумкин. Бунда, маъмурий баённома расмийлаштирилиб, транспорт воситаси ушлаб қолинганлиги ҳақидаги маълумот баённомага қайд қилинади ва ҳайдовчига барча ҳужжатлари қайтариб берилади (Кодекснинг 131 ва 136-моддалари бундан мустасно).

Транспорт воситаси жарима майдончасига жойлаштирилган тақдирда транспорт воситасини ушлаган ДЙҲХХ ходими ўз ваколатлари доирасида ҳайдовчини транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш юзасидан зарур хатти-ҳаракатларни амалга оширади, маъмурий баённомани расмийлаштиради, мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатномани тузади. Далолатнома уч нусхада тузилиб, биринчи нусхаси транспорт воситасини жарима майдончасида сақлаш учун масъул бўлган шахсда қолдирилади, иккинчи нусхаси баённомага бириктилади, учинчи нусхаси ҳуқуқбузарга берилади.

Жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбари йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишлари бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ўтгач жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар транспорт воситаларини ушлаб туриш тўғрисида ёзма кўрсатма беради ва бу ҳақда ДЙҲХХ сафдаги Йўл-патрул хизмати бўлим-бўлимлари шахсий таркиби эътиборига етказилади.

Транспорт воситаси ушланган тақдирда фақат мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатнома тузилади ҳамда жарима солиш тўғрисидаги қарор ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар жарима майдончасида ушлаб турилади. Далолатнома уч нусхада тузилиб, биринчи нусхаси транспорт воситасини жарима майдончасида сақлаш учун масъул бўлган шахсда қолдирилади, иккинчи нусхаси ДЙҲХХ ходимида қолади, учинчи нусхаси ҳуқуқбузарга берилади.

Транспорт воситасини олиб чиқиб кетишга фақат маъмурий ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан рухсат берилади. Агарда маъмурий иш бўйича ҳужжатлар ваколати доирасида кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс)га юборилган тақдирда, вақтинчалик ушлаб турилган транспорт воситасини қўйиб юбориш уларнинг рухсати билан амалга оширилади.

Маъмурий ишни кўриб чиққан ДЙҲХХ ходими мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада рухсатнома расмийлаштиради, имзолайди ва муҳри билан тасдиқлайди ҳамда унинг биринчи нусхасини ҳуқуқбузарга беради, иккинчи нусхасини маъмурий баённомага (жарима солиш тўғрисидаги қарорга) тикиб қўяди.

Транспорт воситасини жарима майдончасига қўйиш ҳамда чиқариш суд ёки ДЙҲХХ ходими қарори (қўйишда — баённома, чиқаришда — рухсатномаси) асосида «Е-та'мурий иш» тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Жарима майдонига қўйилаётган ҳамда чиқарилаётган автомобилотранспорт



воситаси ҳақидаги маълумотлар жарима майдонининг масъул ходими томонидан ejaqima.uz веб-сайтига киритилиши шарт. Бунда, жарима майдонининг масъул ходими автотранспорт воситасини жарима майдонига қўйишда ejaqima.uz веб-сайти орқали ўз шахсий кабинетидан фойдаланган ҳолда унинг давлат рақамини киритганда, автотранспорт воситасининг асосий рекузитлари автоматик равишда тўлдирилади, автотранспорт воситасининг ҳолати ва бошқа тегишли рекузитлари эса қўшимча тарзда киритилади.».

17. 39-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алкоголдан, гиёҳванд моддадан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда транспорт воситасини бошқариш, тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаш, светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслик, ички ишлар органи ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабини бажармаслик, белгиланган тезликни ошириш, темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидадини бузиш, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқидан фойдаланган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит бериши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиқиши, авария ҳолатини келтириб чиқариш, одам ташиш қоидаларини бузиш, транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланиш (бундан телефондан қулоқчинлар орқали ва қўлларни ишлатмасдан туриб сўзлашувлар олиб бориш имкониятини берадиган бошқа ускуналар орқали фойдаланиш мустасно) ёки транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурлар томоша қилиш учун фойдаланиш, юк ташиш, шатакка олиш қоидаларини бузиш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришнинг топширилиши қўпол ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади.».

18. 44-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. ДЙХХХ мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан «E-ma'muriy ish» тизими орқали мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ электрон шаклдаги маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқаради.».

19. 47-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор электрон ҳужжат шаклида чиқарилади ҳамда ижро этиш учун ҳуқуқбузарга етказиб берилади.

Ҳуқуқбузар ўзига нисбатан чиқарилган маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда, ушбу маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг хос рақами ва жарима миқдори ҳақидаги маълумотлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ҳуқуқбузарнинг ejaqima.uz веб-сайтидаги шахсий кабинетига, «SMS» хабар орқали унинг телефонига ёки почта хизмати орқа-

ли яшаш манзилига юборилади. Ҳуқуқбузарлик расмийлаштирилаётган жойда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни чоп этиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда, қарор қоғозда чоп этилиб, ҳуқуқбузарга тақдим этилади.

Ҳуқуқбузар жарима тўловларини тўлаганидан сўнг тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ҳуқуқбузарнинг ejaqima.uz веб-сайтидаги шахсий кабинетига, «SMS» хабар орқали унинг телефонига ёки почта хизмати орқали яшаш манзилига юборилади.

Ҳуқуқбузар қарорнинг ижро қилинганлиги ҳақидаги тўлов варақаси (квитанция)ни ejaqima.uz веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиши мумкин.».

20. 50-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Кодекснинг 127-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда маъмурий баённома расмийлаштирилиб, унга товуш чиқарувчи ёки ёритувчи махсус қурилма ёхуд давлат рақам белгиларини кўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиладиган ашёлар илова қилинади. Ушбу қурилмалар гувоҳлар иштирокида ечиб олиниб, далолатнома тузилади ва ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда pdf форматида сканер қилинган ҳолда белгиланган тартибда «E-ma'muriy ish» тизимига киритилади.».

21. 51-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар Кодекснинг 36-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.».

22. 56-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«56. Дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.».

23. IV бобнинг номидаги «келтириш» деган сўз «билдириш» деган сўз билан алмаштирилсин.

24. 58-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«58. Ҳуқуқбузар ўзига нисбатан чиқарилган маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда, ушбу маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин. Шунингдек, маъмурий иш юзасидан жабрланувчи ва унинг қонуний вакили ҳамда адвокатлар белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг қарори устидан эса апелляция инстанцияси судига шикоят берилиши мумкин.»;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан ДИҲХХ мансабдор шахси қарори устидан — қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) протест билдириши мумкин.»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

25. 73-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73. Ҳуқуқбузар жаримани Кодексда белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш мақсадида ижро ҳужжатлари «Е-та‘мурий иш» тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этилади, бунда жаримани ихтиёрий тўлаш имконияти тўғрисида ҳуқуқбузарни хабардор қилган ҳолда унга маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг топширилганлиги ёки юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ижро ҳужжатига мажбурий тартибда илова қилинади.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ушбу қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.

Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.».

26. 74-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

27. 1 ва 1<sup>1</sup>-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

28. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3 ва 4-иловаларига\* мувофиқ таҳрирдаги 1<sup>2</sup> ва 1<sup>3</sup>-иловалар билан тўлдирилсин.

29. 7-илованинг матнидаги «шахсий паспортингиз» деган сўзлар «шахсий паспортингиз ёки идентификация ID-картангиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

30. 8-илованинг матнидаги «транспорт воситаларини тўхташ жойи номи» деган сўзлар «Жарима майдончасининг номи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31. 9-илованинг матнидаги «транспорт воситаси тўхташ жойига» деган сўзлар «жарима майдончасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

32. 13 ва 15-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

\* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2022 йил 29 августдаги 8/02-22-29-сон «Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2856-3.**

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 7 октябрдаги 30-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 4 октябрдаги 44ққ-сон, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2022 йил 28 сентябрдаги 22-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрдаги 51-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил 7 октябрдаги 19-сон, Давлат божхона кўмитасининг 2022 йил 30 сентябрдаги 13/02-22-33-сон ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 4 октябрдаги 234-мх-сон «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2022 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024-2.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 16 сентябрдаги 20/2-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2022 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2209-3.**

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 25 августдаги 326-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-6.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 16 октябрдаги 10, 12, 281, 100, 90, 01-02/5-27 ва 325-сон «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2024, 2009 йил 27 октябрь), шунингдек унга киритилган ўзгартириш (рўйхат рақами 2024-1, 2013 йил 15 июнь).

***2022 йил 12 октябрда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

